

АЛ ФОРОБИЙ ВА ИБН РУШД ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИДА АҚЛ ВА ЭЪТИҚОД ҒОЯСИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Мирзакулов Лутфулла Убайдуллаевич

*1-курс Фалсафа (Шарқ фалсафаси ва маданияти) таълим йўналиши
магистранти Телефон: + 99 899 686 44 15*

Сайдалиева Нигора

*Илмий раҳбар: Шарқ фалсафаси ва герменевтика кафедраси дотсенти,
фалсафа фанлари номзоди.*

Аннотация: Ушбу мақолада ислом фалсафасининг йирик намоёндалари Абу Наср Форобий (870–950) ва Ибн Рушд (1126–1198) фалсафий таълимотларида ақл ва эътиқод ўртасидаги муносабат қандай шаклланиши ва қандай трансформацияга учрагани таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳар икки мутафаккирнинг диний ва фалсафий билимларни уйғунлаштиришга қаратилган ёндашувлари солиштирма таҳлил асосида очиб берилади. Натижада Форобийда ақл ва ваҳийнинг иерархик уйғунлиги, Ибн Рушдда эса ақлнинг мустақиллиги ва шаръий матнларни ақлий тафсир қилиш тамойили устувор экани кўрсатилади.

Калит сўзлар: Форобий, Ибн Рушд, ақл, эътиқод, ислом фалсафаси, ваҳий, рационализм.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Ислом фалсафаси тарихида ақл ва эътиқод муносабати марказий муаммолардан бири ҳисобланади. Қуръон ва суннатга таянадиган диний тафаккур ҳамда юнон фалсафасига суянган рационал таҳлил ўртасидаги мувозанат масаласи IX–XII асрларда алоҳида долзарблик касб этди. Бу жараёнда “Муаллимус соний-иккинчи муаллим”, “Шарқ Арастуси” номи билан машҳур аллома Абу Наср Форобий ва андалусиялик Ибн Рушд каби мутафаккирлар ақл ва эътиқодни қарама-қарши қўймасдан, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва уйғунлигини назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилдилар.

Форобий фалсафаси асосан Арасту ва Афлотун меросини исломий ақидавий асослар билан уйғунлаштиришга қаратилган бўлса, Ибн Рушд бу анъанани танқидий руҳда давом эттириб, ақлнинг мустақил билиш қудратини қатъий ҳимоя қилди. Шу боис, уларнинг таълимотларида ақл ва эътиқод ғоясининг трансформацияси нафақат тарихий, балки методологик аҳамиятга ҳам эга.

Машҳур аллома Форобий 873 йилда туркий қабилалардан бўлган ҳарбий қўмондон оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб – Ўтрор деган жойда туғилган. У туғилган ҳудуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси ҳисобланган²⁴.

²⁴ Доктор Али Абдулвоҳид Вофий. Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” китобининг таҳқиқи. – Қоҳира: Наҳзату Миср, - 1961. – С. 8-9.

Абу Наср Форобий бошланғич маълумотни она юртида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз илмий салоҳиятини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан, Марказий Осиёдан келган кўплаб илм аҳиллари тўпланишган эди.

Абу Наср Форобий Бағдодда ўрта аср фани ва тилининг турли соҳалари, юнон фалсафий мактаблари билан чуқур танишиб, ўзга диний эътиқод, фалсафий фикрдаги кишилар билан илмий мулоқотда бўлди. Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870–940) юнон тили ва фалсафасини ўрганди. Абу Наср Форобий ислом фалсафаси ва илмнинг бошқа турли мавзуларида 112 та бебеҳо асарлар муаллифидир. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортиқ тилни билган.

Форобий ақлни ҳақиқатни англаб етишда энг асосий восита деб билган ва ақлли кишиларни қуйидагича таърифлаган: ақлли деб шундай кишига айтамызки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга бўладилар. Ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди. Уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим²⁵. Демак, Форобий ақлли кишилар қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклигини жуда дақиқ нуқталаригача изоҳлаган ва кўпчилик ўйлаган ва хулоса қилганидек ақлли киши ким бўлиши ҳақидаги тасаввурларни мутлақ ислоҳ қилиб ақлли кишилар ҳақидаги ҳақиқатни рўй-рост ва мукамал баён қилиб берган.

Ибн Рушд Абулвалид Муҳаммад ибн Аҳмад Қуртубий (Аверроэс) (1126-1198) — Андалусиялик буюк араб файласуфи. Қуртубада таваллуд топган. Табиб, қози ва етук олим бўлиб, Аристотель асарларига шарҳлар ёзган. Икки ҳақиқат (эътиқод ва фалсафа) назариясини илгари сурган. Дин ва фанни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган.

Биз юқорида икки буюк файласуф олим ҳақида умумий маълумот бериб ўтдик. Мақоламизнинг асосий мақсади Форобий ва Ибн Рушд таълимотларида ақл ва эътиқод муносабатининг қандай шаклланигани, қандай мазмун касб этгани ва вақт ўтиши билан қандай трансформацияга учраганини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдир.

Тадқиқот усуллари (Methods)

Мақолада қуйидаги тадқиқот усулларида фойдаланилди:

²⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.- С. 78.

1. Тарихий-таҳлилий усул – Форобий ва Ибн Рушднинг асарларини улар яшаган ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўрганиш.

2. Қиёсий усул – икки мутафаккирнинг ақл ва эътиқод ҳақидаги қарашларини ўзаро солиштириш орқали ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш.

3. Матншунослик таҳлили – “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари” асаридаги асосий ғояларни таҳлил қилиш.

Натижалар (Results)

Форобий таълимотида ақл ва эътиқод

Форобий ақлни инсонни камолотга етказувчи асосий восита сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, ақл орқали инсон борлиқ қонунларини англайди ва энг олий ҳақиқат – Биринчи Сабаб (Аллоҳ таоло) ҳақида мукаммал илмларни эгаллаб олишга эришади. Бироқ, Форобийга кўра ақл мутлақ мустақил эмас, балки ваҳий билан уйғун ҳолда фаолият кўрсатади. Яъни, ақлни ваҳийни англаб етишдаги энг асосий восита сифатида эътироф қилади.

Форобий фалсафасида дин – кенг халқ оммаси учун рамзий ва тасвирий шаклда берилган ҳақиқатдир. Фалсафа эса шу ҳақиқатнинг ақлий-мантиқий ифодасидир. Демак, дин ва фалсафа мазмунан бир, шаклан турлича. Бу ерда ақл ва эътиқод ўртасида иерархик уйғунлик мавжуд: пайғамбар ваҳий орқали ҳақиқатни бевосита қабул қилади. Файласуф эса ақл юритиш орқали шу ҳақиқатни англаб етади.

Форобий эътиқодни алоҳида диний тушунча сифатида эмас, балки жамиятни бошқариш ва инсонни камолга етказиш воситаси сифатида таҳлил қилади. Форобийнинг фикрича, эътиқод бу ҳақиқатнинг халқ онгида белги ва тимсоллар орқали шаклланишидир. Чунки, халқ ҳақиқатни эътиқод орқали қабул қилади. Шунинг учун эътиқод халқ учун тушунарли, тасаввур ва тимсолларга бой ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак²⁶. Демак, эътиқод ақл орқали анланган ҳақиқатнинг халқ учун мослаштирилган ифодаси экан. Файласуфнинг “Фозил кишилар шаҳри” асарида мана шу масалалар жуда кенг, тушунарли ва қиёсий услуб билан ёритилган.

Ибн Рушд таълимотида ақл ва эътиқод

Ибн Рушд таълимотида ақлнинг ўрни янада мустаҳкамланади. У “Фасл ал-мақол” асарида фалсафий тафаккурни шаръий жиҳатдан жоиз деб ҳисоблаб, ақлий таҳлил Қуръон оятларини чуқурроқ англашга хизмат қилишини таъкидлайди. Ибн Рушд моликий мазҳабида, эътиқодда Ашъарий йўналишида бўлган. Ғарб фалсафасини чуқур ўрганиши натижасида ислом ва фалсафани уйғунлаштиришга катта эътибор қаратган. Европаликлар Арастуни Ибн Рушд орқали кўпроқ ва кенгроқ тушунганлар.

Ибн Рушдга кўра, агар ақлий далил билан зоҳирий диний матн ўртасида қарама-қаршилик юзага келса, матнни нотўғри тушунилган бўлади ёки тўғри тушунилган тақдирда ҳам матнни таъвил (ақлий тафсир) қилиш зарур бўлади. Бу

²⁶ Абдулжаббор Рифоъий. مبادئ الفلسفة الإسلامية – Ислом фалсафа асослари. Байрут: дорул ҳодий. 2001й. – С 118.

ерда ақл эътиқодни инкор этмайди, балки уни тўғри тушуниш воситасига айланади.

Ибн Рушд ижодида ақл атамаси шунчалик муҳим аҳамият касб этганки, унинг билиш ва борлиқ назариялари, ижтимоий фалсафий ва ахлоқий қарашларини ҳам ақл тушунчасисиз тасаввур этиб бўлмайди²⁷.

“Фаслул мақол” асарида Ибн Рушд инсонларни билиш қобилиятига кўра уч тоифага ажратади:

Биринчи тоифа хитобий тоифа бўлиб у омма инсонлар учун. Улар эътиқодни тимсол ва зоҳирий маънолар орқали қабул қилишади.

Иккинчи тоифа жадалий-баҳс юритувчилар тоифаси бўлиб улар мутакаллимлар бўлади. Улар эътиқодни мунозара ва далиллар орқали ҳимоя қишади.

Учинчи тоифа вакиллари бурҳоний тоифа эгалари бўлиб улар асосан файласуфлар ҳисобланади. Улар эътиқодни қатъий мантиқий исбот орқали англашади.

Ибн Рушднинг таълимотига кўра, таъвил эътиқод трансформациясининг асосий вситаси бўлиб у фалсафий билимларга эга бўлган олимларга жоиздир. Омма учун эса ошкор этилмагани яхши. Чунки, омма инсонлар зоҳирий маънолар орқали эътиқодда барқарор туришади. Шу билан Ибн Рушд эътиқодни бузмасдан, уни ақл билан уйғунлаштиришга эришди. Ибн Рушд: ҳақиқат ҳақиқатга зид келмайди, дейди. Шунга биноан, шариат ҳам, фалсафа ҳам ягона ҳақиқатга олиб боради. Усуллар турлича бўлади, холос. Эътиқод чуқур тақаккур таъсирида шакли ўзгариши мумкин. Мазмуни чуқурлашади. Лекин, моҳият жиҳатидан ўзгармай сақланиб қолади.

Шу тариқа, Ибн Рушдда ақл ва эътиқод муносабати Форобийга нисбатан янада рационал йўналишда трансформацияга учрайди.

Форобийдан Ибн Рушдгача бўлган интеллектуал анъанада ақлнинг роли сезиларли даражада ошади. Форобийда ақл ва ваҳий бир-бирини тўлдирувчи иерархик тизим бўлса, Ибн Рушдда ақл мустақил билиш усули сифатида майдонга чиқади. Бу трансформация ислом фалсафасида рационализмнинг кучайишига олиб келди.

Муҳокама (Discussion)

Форобий ва Ибн Рушд таълимотларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳар икки мутафаккирнинг мақсади дин ва фалсафани қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни уйғунлаштиришдан иборат бўлган. Бироқ, улар танлаган методологик йўллар турличадир.

Форобий ижтимоий-фалсафий модел орқали фозил жамиятни барпо этишни кўзлаган бўлса, Ибн Рушд асосий эътиборни билиш назариясига қаратди. Унинг ақлни ҳимоя қилишга қаратилган позицияси Ғарб схоластикасига²⁸ ҳам кучли

²⁷ Икрамова Ирода Рихсиевна. Ибн Рушд фалсафасида “Мангу ақл” тушунчасининг талқини.

²⁸ Схоластика – фалсафани илоҳиётга хизмат қилдириб, диний ақидаларни мантиқий далиллар билан тушунтирадиган таълимот. Яъни, эътиқод ҳақиқатларини ақл ва мантиқ орқали асослашдан иборат.

таъсир кўрсатди. Ўрта аср уйғониш даврида унинг фалсафий қарашлари жуда муҳим омил сифатида эътиборга лоиқ бўлади.

Бугунги кунда ҳам ақл ва эътиқод муносабати масаласи долзарблигини йўқотмаган. Шу маънода, Форобий ва Ибн Рушд мероси замонавий фалсафий ва диний мулоҳазалар учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Абу Наср Форобий ва Ибн Рушд фалсафий таълимотларида ақл ва эътиқод ғояси босқичма-босқич трансформацияга учраган. Форобийда ақл ва ваҳий ўртасида иерархик уйғунлик устувор бўлса, Ибн Рушдда ақлнинг мустақиллиги ва таъвил тамойили марказий ўринни эгаллайди. Бу трансформация ислом фалсафаси ривожига муҳим босқич бўлиб, жаҳон фалсафий тафаккурига катта таъсир кўрсатган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим бўладикки, ақл ва эътиқод масаласида Абу Наср Форобийнинг тутган ўрни ислом фалсафасида анчагина ижобий ёндошувни тақазо этган бўлса, Ибн Рушднинг бу мавзудаги фалсафий қарашлари бир мунча танқидий мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

Ислом фалсафасининг энг қадимги ва энг кўзга кўринган намоёндаларидан бўлмиш имом Ғаззолий фалсафани чуқур ўрганиб уни шаръий мезонларда қиёслаб кўради. Ислом динидаги матнларда келган ақидавий қоидаларни тўғри англаб уларни фалсафий таҳлил қилади.

Табиийки, бу жараёнда ўзгармас, соф диний эътиқод тушунчаларини шаръий мезонларга тўғри келмайдиган ғоялардан тозалаб улар ҳақида огоҳлантиради. Ибн Рушд эса, Абу Наср Форобийдан фарқли ўлароқ имом Ғаззолийга айнан мана шу мавзуларда ўзининг услуби, фалсафий қарашлари билан эътироз қилган.

Ақлни устувор қўйгани учун диний қарашларида, эътиқод масалаларида бир қатор ихтилофли фикрларни айтиб ўтган. Фалсафий ёндошувларни ўқиб уларни таҳлил қилиш жараёнида мана шу жиҳатларни ҳам яхши ўзлаштириб олишимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доктор Али Абдулвоҳид Вофий. Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” китобининг таҳқиқи. – Қоҳира: Наҳзату Миср, - 1961. – С. 8-9.
2. Н. Маматов, А. Ҳожибоев, Ш. Жўраев. Фалсафа тарихи. Тошкент: ТМИ-2006й. – С. 45.
3. Икрамова Ирода Рихсиевна. Ибн Рушд фалсафасида “Мангу ақл” тушунчасининг талқини.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993й. - С. 78.

4. Абдулжаббор Рифоъий. مبادئ الفلسفة الإسلامية – Ислом фалсафа асослари. Байрут: дорул ҳодий. 2001й. – С. 174.
5. <https://www.minbar.su>